

ЎЗБЕК ТИЛИ

10-синф

1-вариант

1. Қайси гапда қўйилмоқ феъли услубий жиҳатдан нотўғри қўлланилган?

- А) Бир кунда 2 минг дона гишт қўйилди.
- Б) Булутлар тобора қўйилиб қорайиб борарди.
- В) Симёғочдаги чирокдан нур ерга сутдай қўйилиб турарди.
- Г) Сирдарё орол денгизига қўйилади.
- Д) Кўзларимни зўрға очдим – қовоқларим қўрғошиндан қўйилган сингари оғир эди.

2. Асл кўмакчилар қаторини топинг.

- А) Билан, яраша, учун.
- Б) Орқали, сабабли, туфайли.
- В) Сингари, каби, учун, томон.
- Г) Яраша, караганда, буйлаб.
- Д) Билан, учун, каби, сингари.

3. Қайси гапда чиқиш келишиги ўрнида кўмакчини қўллаш мумкин?

- А) Бизга ҳаётингиздан сўзлаб беринг.
- Б) Кечадан бери ёмғир тинмайди.
- В) Радиодан таниш овозни эшитдик.
- Г) Биздан ўпқаламасангиз ҳам бўлади.
- Д) А ва В.

4. Тенг боғловчилар қандай вазифасини бажаради?

- А) Сўз ва гапларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.
- Б) От ва отлашган сўзлардан кейин уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатади.
- В) Эргаш гапли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.
- Г) Сўзларни тенг муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.
- Д) Гапларни бириктириш учун қўлланади.

5. Эргаштирувчи боғловчилар.....

- А) Уюшиқ бўлақларни боғлаш учун хизмат қилади.
- Б) Эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади.
- В) Тенг муносабатли қўшма гаплар қисмларини боғлайди.
- Г) Сўзларга қўшимча маънолар юклаш учун хизмат қилади.
- Д) От ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини ифодалайди.

6. Тенг боғловчилар вазифасига кўра.....

- А) Якка ва такрор бўлади
- Б) Содда ва мураккаб бўлади
- В) Айирув, зидлов, бириктирув боғловчиларига бўлинади.
- Г) Қўшма гапларни боғлайди.
- Д) Фақат уюшиқ бўлақларни боғлайди.

7. Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.

- А) Бириктирув боғловчилари
- Б) Айирув боғловчилари
- В) Зидлов боғловчилари
- Г) Эргаштирувчи боғловчилар
- Д) Жуфт боғловчилар

8. Қайси қатордаги жавобда эргаштирувчи боғловчилар мавжуд?

- А) Ва, ҳамда, ҳам.
- Б) Аммо, лекин, бироқ.
- В) Дам, гоҳ, хоҳ.
- Г) Ё, ёки, ёинки.
- Д) Шунинг учун, чунки, сабабли.

9. Жавобларнинг қайси бири айирув боғловчили боғланган қўшма гапга мисол бўла олади?

- А) Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ, қийқириқ товушлар эшитиларди.
- Б) Баъзан кўнглим унга қушдай учади, баъзан яна чўчинқирайди.
- В) Унинг нидосига на «лаббай» деб жавоб қилди, на тассали берадиган бирор киши топилди.
- Г) Шабода бир маромда эсиб туради ва гиёҳлар тебранади.
- Д) Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон.

10. Феълнинг функционал шакллари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А) Сифатдош, сифат, равишдош.
- Б) Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи.
- В) Равиш, равишдош, ҳаракат номи.
- Г) Ҳаракат номи, кўмакчи феъл.
- Д) Ёрдамчи феъл, етакчи феъл.